

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 6 418,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг январь-марти билан таққослаганда 5,4 % га камайган. ЯҲМ дефлятор индекси 2020 йилнинг январь-мартдаги нархларга нисбатан 109,6 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 5,0 % га етди.



### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари


		Млрд. сўм		Ўсиш суръатлари, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да
		2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	
	<b>I. ЯҲМ</b>	<b>6 188,5</b>	<b>6 418,0</b>	<b>94,6</b>
	<i>шу жумладан:</i>			
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 827,3	6 076,4	95,2
	Маҳсулотларга соф солиқлар	361,2	341,6	85,2
	<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>5 827,3</b>	<b>6 076,4</b>	<b>95,2</b>
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	1 123,6	1 386,8	103,3
	<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>2 358,7</b>	<b>2 022,7</b>	<b>83,8</b>
	саноат	2 020,2	1 603,0	79,3
	қурилиш	338,5	419,7	111,0
	<b>Хизматлар</b>	<b>2 345,0</b>	<b>2 666,9</b>	<b>102,7</b>

		Млрд. сўм		Ўсиш суръатлари, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да
		2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	510,5	582,3	102,4
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	421,4	490,1	104,2
	бошқа хизмат тармоқлари	1 413,1	1 594,5	102,4

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 2 009,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,2 % га камайган.



### Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 94,7 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 5,3 фоизини ташкил этди.


Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 22,8 % ни, саноат тармоғи 26,4 % ни, қурилиш 6,9 % ни ва хизматлар соҳаси 43,9 % ни ташкил қилди.

<b>Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби</b> (жамига нисбатан % да)			
<b>Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби</b> (январь-март ойлари, жимига нисбатан % да)		<i>март</i>	<i>март</i>
<b>I. ЯҲМ</b>		<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	94,2	94,7
	Маҳсулотларга соф солиқлар	5,8	5,3
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>		<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	19,3	22,8
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>		<b>40,5</b>	<b>33,3</b>
	саноат	34,7	26,4
	қурилиш	5,8	6,9
<b>Хизматлар</b>		<b>40,2</b>	<b>43,9</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар		8,8	9,6
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	7,2	8,1
	бошқа хизмат тармоқлари	24,2	26,2

2020 йил



2021 йил





Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 103,3 % (ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши – 22,8, %), қурилишда – 111,0 % (6,9 %) ва хизматлар соҳасида – 102,7 % ни (43,9 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Хизматлар

соҳаси таркибида ўсиш суръатлари савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 102,4 % (9,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 104,2 % (8,1 %), бошқа хизмат тармоқларида 102,4 % дан (26,2 %) иборот бўлди. Саноат тармоғида эса қўшилган қиймат ҳажмининг (79,3 %) камайиш кузатилди. Ушбу тармоқнинг ЯХМ тармоқлари таркибидаги улуши – 26,4 % ташкил этди.



**Январь-март ойларида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**



Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи 0,7 ф.п. (2020 йил январь-мартда – 0,9 ф.п.), қурилиш тармоғи – 0,6 ф.п. (2020 йил январь-мартда – 0,2 ф.п.), хизмат кўрсатиш соҳасида – 1,0 ф.п. (2020 йил январь-мартда – 1,9 ф.п.) га ижобий

ўсиш кузатилди. Саноат тармоғи – 6,8 ф.п. (2020 йил январь-мартида ижобий 1,5 ф.п.) ва маҳсулотларга соф солиқлар – 0,9 ф.п. (2020 йил январь-мартида ижобий 0,2 ф.п.) га камайиши кузатилди.




**ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**  
(2021 йил январь-март ойларида, жамига нисбатан % да)



2021 йилнинг январь-март ойларида ЯХМ дефлятори индекси 2020 йил январь-мартдаги нархларга нисбатан 109,6 % ни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 119,5 % ва қурилишда – 111,0 % қайд этилди.



**Январь-март ойларида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



**Январь-март ойларида ЯХМда кичик бизнеснинг улуши**  
(жамига нисбатан % да)



2021 нинг январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 61,0 % ни ташкил қилди. (2020 йил январь-мартда – 54,2 %).

ЯХМнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш йирик корхоналар улушининг камайиши билан изоҳланди.

